IMPACT FACTOR (RESEARCH BIB) – 7,245
SPECIAL ISSUE

СПОРТЧИЛАР ТАЙЁРЛАШДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ ВА СПОРТ МУРАББИЙИНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИ

Эргашев Рашид Қузиевич

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

“Жисмоний тарбия” кафедраси доценти в.б.

Email: r.ergashev1965@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ёш авлод тарбияси, унинг камолотида спортнинг ўрни, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими ва малакали мураббийлар, жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигига оид муаммолар баён этилган. Шунингдек, ёш спортчиларни тайёрлаш, истеъдодли спортчиларни танлашда жисмоний тарбия назарияси ва амалиётида мутахассисларнинг касб маҳоратини ошириш йўллари ва ривожлантириш масалалари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар

Жисмоний тарбия, спорт, мустахассис, соғлом турмуш тарзи, оммавий спорт, жисмоний маданият, махсус тайёргарлик, спорт мураббийи, машғулот, ҳамкорликда ишлаш, касбий маҳорат.

ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ И ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА СПОРТСМЕНОВ, ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ И СПОРТИВНОГО ТРЕНЕРА

Эргашев Рашид Қузиевич

И.о. доцент, кафедра «Физическое воспитание» Каршинского инженерно-экономического института, Узбекистан, г.Карши

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены вопросы, связанные с воспитанием молодого поколения, ролью спорта в его развитии, системой подготовки кадров в области физического воспитания и спорта, профессиональной подготовкой квалифицированных тренеров и учителей физкультуры.Также представлены пути повышения профессионального мастерства и развития специалистов по теории и работе физического воспитания при подготовке юных спортсменов и отборе талантливых спортсменов.

Ключевые слова

Физическая подготовка, спорт, специалист, здоровый образ жизни, массовый спорт, физическая культура, специальная подготовка, спортивный тренер, тренировка, совместная работа, профессиональные навыки.

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси,

кучи ва имкониятларга бўлган ишончни мустаҳкамалаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларни камол топтириш, жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, мамлакатимизда бу борада яратилган шароитлардан самарали фойдаланиш натижадорлигини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил 3-июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3031-сон қарорида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқан ҳолда, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларини илмий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда спорт мактабларини юқори малакали мураббийлар ва тиббиёт ходимлари билан таъминлаш, уларнинг ўқув муассасаларида функционал вазифаларни белгилаб олиш муҳимлиги бугунги куннинг долзарб муаммоси сифатида эътироф этилган. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, жамиятимизда ёш авлодни спортга бўлган қизиқишини ошириш, уларни шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини қарор топшириш ва махсус тайёргарликка эришишлари учун катта имкониятлар яратилмоқда. Бу каби масалаларни ҳал этиш, ёш спортчиларни тайёрлаш ва улар орасидан иқтидорли, истеъдодли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ишларини моҳирлик билан ташкил этиш спорт мураббийларининг олдида устувор вазифалардан биридир [1].

Ҳозирги вақтда жисмоний тарбия назарияси ва амалиётида мутахассисларнинг касб маҳоратини ривожлантириш муаммоси малака оширишга доир умумий муаммолар ҳукуматимиз томонидан ўрганилиб, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ислоҳатлар ўтказилиши натижасида ёш ва иқтидорли спортчиларни тайёрлаш тизимининг самарали йўллари, чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб мустахассислар тайёрлаш ишларида тизимли ислоҳотлар ўтказилаяпти. Жисмоний тарбия ва спорт бугунги кунга келиб катта ижтимоий ва сиёсий мавқеига эга бўлиб улгурди. Бунга асосий сабаб соғлом турмуш тарзи кишиларнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжига айлангани ва спорт орқали давлатлар номи дунёга танилаётганидадир [2]. Бу эса оммавий спорт ва жисмоний маданиятнинг барча турларини ҳар томонлама ривожлантиришни, аҳолининг тобора кенг табақаларини, айниқса ёшларни жисмоний маданият ҳаракатига жалб этишни талаб этмоқда.

Замонавий фан ва техниканинг ўсиш суръати шунчалик каттаки, 5-7 йил ичида олинган билимлар эскириб қолмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда жисмоний тарбия, айниқса спорт бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бориши натижасида замонавий мутахассис – юксак маданиятли, ғоят билимдон кишидир, хуллас, у янги жамиятнинг “хақиқий зиёлисидир”. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассиси касбий ўсиши унинг махсус тайёргарлик даражаси, ижтимоий активлик савияси, сиёсий дунёқарашнинг кенглиги, ўз мутахассислигининг ривожланиш прогрессив тенденцияларини кўра билишига боғликдир [3]. Жисмоний тарбия ўқитувчиси кўп қиррали мутахассис бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, етук қилиб тарбиялаш, ўрта мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида, қуролли кучларда жисмонан соғлом, жисмоний тарбия ва спорт билан биргаликда уларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиради, ҳаётга тайёрлаб, ҳарбий тайёргарликка ўргатади.

Ҳар бир спорт мураббийи, жисмоний тарбия ўқитувчиси машғулотлар давомида болаларда жисмоний сифатларни шакллантириб боради, уларда функционал ривожланиш билан бирга ватанпарварлик, хушмуомалалик, байналминаллик, меҳнатсеварлик, интизомлилик ҳислатларини тарбиялайди. Бундай мураккаб ва муҳим жараённи амалга оширишда мутахассисларга қўйиладиган умумий, ўзгармас талаблар мавжуд, лекин улар кўпроқ инсон маънавияти билан боғлиқ талаблардир: ишчанлик, ҳалоллик, ҳамкорликда ишлай олиш ва бошқалар [4].

Бугунги кунда замонавий мутахассисга қуйидаги талаблар қўйилган:

-мустақил, таҳлилий фикрлай оладиган;

- замонавий технологияларни қўллаш орқали учраган муаммоларни еча оладиган;

- олаётган билимлари унга қаерда керак бўлишини аниқ тасаввур қила оладиган;

- янгилик ярата оладиган, муаммоларни ҳал этиш йўлларини ўйлаб топа оладиган, мулоқотга киришувчан, ўзининг ақлий даражаси, аҳлоқи, маданияти устида иш олиб бора оладиган бўлиши;

- ҳамкорликда ишлаш, ўзаро фикрлар билан алмашишни билиши;

- янги ғояларни қабул қила олиши;

- таҳлилий фикрлаш ва янги шароитларга мослаша олиши;

- ўз ҳаракатлари учун масъулиятни ҳис қила олиши;

- бошқаришни билиши зарур. Ушбу талаблар асосида ҳар бир жисмоний тарбия ўқитувчиси бир қанча сифатларга эга бўлиши, жумладан юқори ишчанлик; ҳис-ҳаяжонни кўзғатувчиларга эътибор бермаслик ва ўз диққатини жамлашни билиши; ҳар доим актив бўлиши; иш куни давомида юқори умумий ва эмоция тонусини, кучини тез янгилашни билиши; фикрни аниқ изоҳлаш билан ажралиб туриши; ҳиссиёт динамикасида тенглик, ишни бажаришда юқори темпни ушлаш; мушаклар чигилини ёзиш машқисиз қўйилган масалани ечишга тез ҳаракат қилиш; бир турдаги фаолиятдан бошқа турдаги фаолиятга ўтишни тез ҳал қила билиш; аввалдан машғулотни тайёргарликсиз ўтказиш қобилиятига эга бўлиши, янги шароитга тез кўникиш керак бўлади [5]. Демак юқорида келтирилган талаблар ва мутахассис учун зарур сифатларга эга бўлиш мутахассисларнинг профессионал усталиги ва чин кўнгилдан юқори малакали тайёргарлиги, биринчи навбатда, бу чиройли педагогик техникани намоён этиш, педагогик билимдон бўлиши, кўникма ва билим, малакаларни пухта эгаллаши, ижодкорлик, тинимсиз изланиш, юқори малакали мутахассисга хос барча махсус билимлар ва жисмоний тарбия доирасида ахборотларга эга бўлишлигини таъминлайди. Шундагина мураббий махсус педагогик билимга эга бўлади ва уларни жисмоний тарбия машғулотларининг аниқ бўлимида қўллайди.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисининг асосий функцияси ўқитиш, тарбиялаш, ташкил килиш ва ривожлантириш жараёнини бошқаришдан иборат экан, педагогик жараёнда машғулотларни қизиқарли, мазмунли қилиб ташкил

қилишда ўйин майдонлари, спорт заллари, сув ҳавзалари ва уларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, жиҳозлаш асосий ўринда туришини ҳар бир жисмоний тарбия ўқитувчиси, спорт мураббийи билиш ва уни инобатга олиши мақсадга муовиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алламуратов Ш.И. Физиология ва спорт физиологияси. Дарслик. Тошкент, «Турон-Иқбол», 2010. - 216 бет.

2. Арислонов И. Т. Роль Физической культуры Студентов в учебно-тренировочном процессе вузе //International Journal of Formal Education. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С.

3. Гончарова О.В. Ёш спортчиларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш. Ўқув қўлланма. Т.: ЎзДЖТИ 2005.-172 бет.

4. Тўхтабоев Н.Т. Жисмоний тарбия мутахассисларининг касбий маҳоратини ривожлантириш. Ўқув-услубий қўлланма. Т.: ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа бўлими, 2010. -72 бет.

5. Кудратов.Р.К. Болалар спорт мураббийлари касб фаолиятига қўйиладиган талаблар.// Фан спортга. Т., 2004 №1.7-10 бет.

WORDLY
KNOWLEDGE